

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ ТАННАРХИНИ ҲИСОБЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Салим Мамарасулович ДУСАНОВ

иқтисодиёт фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Мустақил тадқиқотчи

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: msalimd@mail.ru

Аннотация

Мақолада олий таълим тизимида молиялаштириш ҳолати, муаммолари ҳамда унинг аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда молиявий ресурсларнинг аҳамияти ва уни тасарруф этиш юзасидан таҳлилий ёндашувлар ўрганилган. Жараённинг ўзига хос жиҳатлари реал маълумотлар асосида таҳлил қилиниб, мавжуд муаммолар, таълим истиқболлари ва эришилган ютуқлар атрофлича ёритилган.

Таянч сўзлар: олий таълим тизими, молиялаштириш, таълим хизматларининг таннархи, молиялаштиришнинг ҳолати, муаммолари ва прогнозлари, таълим сифатини бошқариш, молиявий барқарорлик.

МЕТОДИКА РАСЧЕТА СТОИМОСТИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ПЕРЕХОДА К ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКЕ

Салим Мамарасулович ДУСАНОВ

Доктор философии (PhD) по экономическим наукам

Независимый исследователь

Ташкентский государственный экономический университет

Ташкент, Узбекистан

e-mail: msalimd@mail.ru

Аннотация

В статье рассматривается состояние финансирования системы высшего образования, его проблемы и значение. Исследованы аналитические подходы к значению финансовых ресурсов и их использованию в высших учебных заведениях. На основе фактических данных проанализированы особенности этого процесса, подробно показаны существующие проблемы, перспективы и достижения.

Ключевые слова: Система высшего образования, финансирование, стоимость образовательных услуг, состояние финансирования, проблемы и прогнозы, управление качеством образования, финансовая устойчивость.

Ўзбекистонда таълим тизимини, айниқса, олий таълим муассасалари салоҳиятини янада ошириш, олиб борилаётган ислохотлар ва замон талабига тўлиқ жавоб берадиган олий таълим муассасаларини очиш, соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва таълим соҳасига замонавий ўқитиш

методологиясини кенг жорий этиш баробарида олий таълим даргоҳларининг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланмоқда, таълим муассасаларини молиявий ўз-ўзини таъминлаш тизимига ўтказилмоқда. Бу борада “Кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизимини ишлаб чиқиш, ...мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50 – 60 фоизга етказиш” [2] вазифалари белгилаб берилди. Мазкур вазифаларни амалга ошириш олий таълим хизматлари ва меҳнат бозори ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришнинг назарий-амалий жиҳатларини тадқиқ этиш, ОТМларда бир нафар талабага ўртача тўғри келадиган харажат ва тўланаётган тўлов-контракт миқдорлари ўртасидаги салбий фарқ, илмий-тадқиқот ишлари натижаларини тижоратлаштиришдаги молиявий масалалар, мавжуд моддий-техника базасидан унумли фойдаланган ҳолда қўшимча фаолият турларини жорий этиш, олий таълим тизимига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш орқали молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, олий таълим учун харид қилинадиган товар-моддий қийматлар, хизматлар харидини эркинлаштириш сиёсатини такомиллаштириш, олий таълим муассасаларида тўлов-контракт ва бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағларининг ғазначилик орқали тартибга солиниши, бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағларни тасарруф этишда мустақилликни таъминлаш, бюджет маблағлари ҳисобидан ажратилаётган маблағларга қўлланиладиган тузатиш коэффициентларини такомиллаштириш борасида илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 8-октябрдаги ПФ–5847-сон фармонлари, “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сон, “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг

мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 июндаги ПҚ–3775-сон, “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 11 июлдаги ПҚ–4391-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019-йил 7-июндаги 467-сонли қарори ва ушбу йўналишдаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Таълим тизимида молиявий ресурслардан фойдаланишнинг назарий асосларини такомиллаштириш тизимдаги мавжуд ҳолатни баҳолаш имкони яратилишини кўрсатмоқда. Бу борада дастлаб ривожланган мамлакатларда тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, хусусан, хорижлик олимлардан Т.Малтус таълимни аҳоли сони кўпайиши қонунлари билан боғлайди, Ж.Айт ишлаб чиқариш омиллари унумдорлиги билан, Ж.Кулоч ишлаб чиқариш ва истеъмол назарияси орқали, Ж.Милл таълимни меҳнат тақсимотининг деструктив жараёни туфайли ишчиларнинг таназзулга давоси сифатида кўриб чиқади. Шунингдек, А.Смит, Д.Рикардо, А.Маршалл, Дж.Милл, Э.Хекшер, Б.Олин, Г.Хаберлер, Ж.Мед, Л.Сфу, С.Фан, Л.Чжоу, В.М.Баутин, И.Н.Буздалов, А.Данкевич, Х.Жонсон, Р.Липсей каби олимлар томонидан амалга оширилган изланишларда таълим тизимида молиявий ислоҳотлар, инсон капиталига таълимнинг таъсири, таълим иқтисодиётининг вужудга келиши, босқичлари ва хусусиятлари, шарт-шароитлари, ривожланиши, миллий иқтисодиёт учун самараси ва услубий жиҳатлари асослаб берилган.

Иқтисодчи олимларнинг асарларида таълим тизимини молиялаштириш, молиявий ресурслар самарадорлиги, инсон капитали тушунчаси ва унинг методологияси ва устувор йўналишлари ишлаб чиқилган. Ўтган асрнинг 20-йилларида академик С.Г.Струмилин биринчилардан бўлиб ўз тадқиқотларида “...таълим омили туфайли миллий даромаднинг ўсишини ҳисоблаш таклифини

берган, бу эса, ўз навбатида, таълимга йўналтирилган инвестицияларнинг самарадорлиги тўғрисида гапиришга имкон беради” [15].

Миллий иқтисодий самарадорликни баҳолашнинг корреляцион ёндашувлари АҚШлик иқтисодчи олимларга ҳам хос бўлиб, жумладан, Эдвард Ф.Денисон таълимнинг ишчи кучи сифатида намоён бўлган иқтисодий аҳамияти ғоясини илгари сурган.

Сўнгги йилларда олий таълим сифати, унда мавжуд молиявий ресурслар самарадорлиги муаммоси жадал равишда ривожланмоқда, чунки бу меҳнат бозори салоҳиятини оширишнинг асосий манбаларидан бири сифатида иқтисодиёт ва таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнига боғлиқдир. Таълим самарадорлигининг услубий ёндашувлари бўйича россиялик иқтисодчи олимлардан В.Антропов, А.Дайновский, В.Жамин, В.Зуев, С.Костанян, В.Клочков, Е.Липкина ва америкалик иқтисодчи олимлар Э.Денисон, Ф.Шулс ва бошқаларнинг ишларида тўхталиб ўтилган.

Сўнгги йилларда республикамизда бозор муносабатлари шароитида таълим хизматларини бошқариш, соҳада маркетинг тадқиқотлари каби йўналишларда муносиб илмий изланишлар олиб борган муаллифлар сифатида С.С.Ғуломов, Қ.Х.Абдурахмонов, Б.Ю.Ҳодиев, А.Ш.Бекмуродов, М.Х.Саидов, У.А.Бурханов, С.А.Абдуллаев, Р.Р.Хасанов, С.М.Бузрукхонов, А.В.Ваҳабов, Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров, Д.Ҳ.Набиев, О.О.Олимжонов, З.Қўзиев, Д.Сағдуллаев, А.Маҳмудов, Х.Режапов, А.Шеров, С.Бузрукхонов ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Хусусан, академик С.С.Ғуломов Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштириш орқали инсон капиталининг ўзига хос аҳамиятини тадқиқ этган ҳамда уни ривожлантиришнинг ўзбек моделига алоҳида эътибор қаратган. Профессор Ш.А.Тошматов “...ижтимоий соҳада бюджет харажатларини прогнозлашда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг хусусиятлари бўйича илмий-амалий хулосалар берган”.

Бир қатор тадқиқотларда олий таълим муассасалари молиявий бошқарувига минтақавий иқтисодиёт ва тармоқ иқтисодиёти нуқтаи назаридан ёндашилган

бўлиб, миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида олий таълим муассасаларининг маълум йўналишдаги молиявий ресурсларининг самарадорлиги таъсирлари, молиявий амалиётлар кўринишлари ва йўналишлари кўриб чиқилган, холос. Мазкур ишларда олий таълим тизимининг молиявий ресурслари мазмуни, вужудга келиш шароитлари, молиявий тузилиши асосланган. Шу билан бирга, иқтисодиётдаги инновацион ёндашув шароитида олий таълим тизимида молиявий ресурсларнинг шаклланиши ва ўқитишнинг тўлов-контракт қийматининг реал бозор баҳосида ҳисобланишининг назарий асосларини такомиллаштирилиши ҳамда назарий жиҳатдан янада кенгрок ўрганилиши мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда шаклланган таълим хизматлари бозоридаги кучли рақобат муҳити барча олий таълим муассасалари ва таълим ташкилотларини жиддий ўйлашга, рақобат муҳитида молиявий барқарорлигини таъминлашга ҳамда талабалар контингентини ўз меъёрида сақлаб туришга ҳаракат қилишга мажбур этмоқда. Чунки аксарият давлат олий таълим ташкилотларида таълим харажатлари реал бозор баҳосига асосланмаган, бу эса, ўз навбатида, хусусий сектор билан рақобатлашишга, кадрлар кўнимсизлигининг олдини олишга, моддий-техника базасини замонавий талаб даражада ушлаб туриш каби масалаларни кун тартибига чиқармоқда. Бу жараёнларнинг назарий асоси таълим харажатларини (таннархини) ҳисоблаш реал бозор баҳосида ҳисоблаш саналади. Қуйида таълим хизматлари таннархини ҳисоблашнинг назарий асосларини кўриб чиқамиз.

Таълим хизматларига бўлган талаб таълим муассасасининг ўрнатилиши мумкин бўлган нархнинг юқори даражасини чеклайди. Хизматларнинг нархи (ишлаб чиқариш харажатлари) унинг минимал қийматини белгилайди. Таълим хизматлари нархи уларнинг таннархидан паст бўлса, таълим хизматлари ишлаб чиқарувчилари таълим ташкилотлари зарар кўради. Бундай сиёсат фақат таълим хизматлари бозорига киришнинг қисқа даврида йирик таълим муассасаларига ҳос хусусият бўлиши мумкин.

Таълим хизматлари таннарх харажатларини ҳисоблаш (C) формула бўйича амалга оширилади:

$$C=M+A+Z+O+X,$$

Бу ерда М – материаллар, хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар қиймати;

А – амортизация ажратмалари;

З – иш ҳақи (асосий ва қўшимча);

О – иш ҳақи учун мажбурий тўловлар;

Х – умумий харажатлар.

Ушбу маълумотлар балансда мавжуд ва харажатларни ҳисоблаш учун режалаштирилган инфляция коэффициентига мослаштирилиши мумкин.

Таълим хизматларини нархлашнинг назарий жиҳатдан бир нечта усуллари мавжуд бўлиб, уларни ўрганилаётган жараёнларнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда танлаш мумкин.

Таълим хизматлари нарҳини белгилаш усуллари, уларнинг амалга оширилишини ва таълим муассасасининг муайян мақсадларига эришишини таъминлаши керак. Бу ерда хизматлар нарҳини белгилаш усуллари таснифлаш мумкин бўлади.

Таълим хизматлари нархларини белгилашнинг барча босқичларини батафсил тадқиқ этиб, хизматларга бўлган талабни таҳлил қилган ҳолда, уларнинг нарҳини ҳисоблаб, рақобатчиларнинг нархларини атрафлича ўрганиб, таълим хизматлари нарҳини аниқлаш мумкин. Шубҳасиз, назарий жиҳатдан оптимал нарх таълим ташкилотнинг барча хизматларини тўлиқ қоплаши, шунингдек, маълум бир фойда келтириши керак.

Назарий жиҳатдан таълим хизматлари таннарҳини аниқлашда қўлланиладиган усулларни таснифлаш имконияти мавжуд. Улар қуйидаги 1-жадвалда батафсил келтирилган. Ушбу жадвал таҳлилий материаллар асосида муаллиф томонидан ишланган.

1-жадвал

Таълим хизматлари нарҳини аниқлаш усуллари таснифлаш

Усул	Нарх тузулиши	Усулнинг	Усулнинг
------	---------------	----------	----------

		афзалликлари	камчиликлари
Қиммат	Нарх = иқтисодий харажатлар+ фойда, бу ерда даромад Маржининг маълум бир даражаси билан нархнинг кўпайиши билан ҳисоблаб чиқилади	Таълим хизматлари ишлаб чиқарувчилари учун ҳисоблаш осон	1. Бозор шароитларини ҳисобга олмайди 2. Таълим хизматларнинг истеъмол хусусиятларини ҳисобга олмайди
Умумий нархлаш усули	Нарх = харажат элементлари+ нархларининг миқдори	Ўтган йилги маълумотларга асосланган ишлаб чиқарувчи учун ҳисоблаш қулайлиги	1. Бозор конъюнктурасини ҳисобга олмаганда 2. Маҳсулот нархини аниқлашда хатолар нархни аниқлашда хатоларга олиб келади
Параметрик усул	Нарх = баҳосига кўпайтириладиган хизмат нархи асосий эксперт. Нарх = асосий хизмат бўйича рейтинг баҳосига кўпайтириладиган эксперт тўплам	Таълим бозорининг истеъмол сифати ва конъюнктурасини ҳисобга олиш имкониятини яратади	1. Коэффициентларни ҳисоблашнинг мураккаблиги (инфляция, сифат, бозор шароитлари ва бошқалар). 2. Харажатларни ва режалаштирилган фойдани баҳолашнинг имконияти йўқлиги 3. Мутахассислар ва асосий хизматларни танлашга боғлиқлик
Жорий нархлар асосида нархлаш	Шу каби хизматлар учун мавжуд нархлар оралиғидаги нарх. Таълим муассасаси қиймати билан белгиланган паст нарх чегараси, юқори талаб хизматлар	Бозор шароитлари ва "мослашувчан нарх" механизмидан фойдаланишга асосланади."	1. Муайян нархнинг ҳисоб-китоблар бўйича асоссизлиги 2. Нарх баҳосидан паст бўлган фойдасиз нархлар зонасига тушиш имконияти 3. Молиявий барқарорликка хавф
Усул талабга асосланган	Таълим хизматлари ишлаб чиқариш харажатлари, сотиш харажатлари ва фойдани ўз ичига олиши керак бўлган юқори нарх чегараси белгиланади	Таълим хизматлари ишлаб чиқариш харажатларининг юқори чегараси белгиланиб, унга бозор нархини пасайтириш	1. Нотўғри талабни баҳолаш имконияти 2. Турли ҳудудларда (туманларда) барқарор хизматни сотишнинг мураккаблиги) 3. Рақобатбардошликнинг издан чиқиши

		мумкин	
Рақобат усули	Нарх рақобатчилар баҳоси даражасида, истеъмолчиларнинг мажбуриятини, хизматнинг имиджини ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.	Усулнинг мослашувчанлиги ва "рақобат нархлари" стратегияси" ва тўғри танланган нарх тактикаси	1. Янги таълим хизматларини жорий этишда хавфнинг ортиши 2. Охир-оқибатда фойдани минималлаштириш ва демпинг олиб келади 3. Молиявий барқарорликни издан чиқаради
Маржинал харажатлар усули	Нарх ишлаб чиқариш, бошқа харажатлар ва фойда бирлигига ўзгарувчан харажатлар йиғиндиси сифатида белгиланади	Таълим муассасасининг доимий ва ўзгарувчан харажатларини ҳисобга олади	1. Бозор шароитларини ҳисобга олмайди 2. Охир-оқибат, хизмат учун қиммат нархга олиб келади 3. Таълим хизматлари истеъмолчиларини йўқотишга олиб келади

Харидорлар фикри асосида нархни белгилашнинг асосий омили истеъмолчининг хизмат қийматини эмас, балки таннархни идрок этишидир. Нархлаш эҳтиёжларни аниқлаш ва нарх ҳамда таълим хизматларининг қиймати ўртасидаги муносабатларни баҳолашдан бошланади. Бундай нархларга амал қилган ҳолда истеъмолчи ўз танловини таълим хизматлари бозорида таклиф этилаётган бир хил турдаги таълим хизматларининг истеъмол хусусиятлари ва нархларини таққослаш орқали амалга оширади.

Таълим хизматларини таклиф этувчи таълим ташкилотлари ва воситачилар маълумотнома нархларининг шаклланишига фаол таъсир кўрсатиши мумкин. Бу усулни қўллаш тажриба, интуиция, истеъмол психологиясини яхши билиш ва бозорни синаш натижаларига асосланган бўлиши талаб этилади. Назарий жиҳатдан таълим хизматларини психологик нархлаш техникаси мавжуд бўлиб, унга кўра:

намойиш этиш техникаси – бошқа таълим хизматлари учун юқори нархлар белгиланган маҳалда баъзи таълим хизматлари учун нисбатан паст нархлар таклифни намойиш этиш;

боғлаш техникаси – давлат хизматчилари учун энг кам ойлик иш ҳақининг маълум бир баробарига боғланган таянч нархи;

жаҳон валюта курсларига бевосита боғланган таянч нархи. Периферик таълим муассасаларида бу усул 1998 йилдаги молиявий инқироздан кейин тарқатилди;

бутун давр мобайнида нарх барқарорлигини ваъда қилиш;

чегирмалар барча турлари (10% чегирма билан бир йил учун тўлов, қайта тайёрлаш бўйича чегирмалар – 10–15%, собиқ ҳарбий хизматчилар учун имтиёзлар-20% гача, ногиронлар учун имтиёзлар – 10–15%);

Давлат олий таълим ташкилотлари давлат таълим хизматларини сотиш ва сотиб олиш бўйича мутлақ монополияга эга бўлган даврлар ҳам бўлган аммо, бу таълим муассасасининг ўз хизматларига нархларни мустақил равишда белгилаш имкониятини истисно қилган. Ҳозир эса барча таълим ташкилотлари, хусусан, давлат олий ташкилотлари учун нархлар рақобатчилар фаолияти, самарали талабнинг ҳажми ва динамикаси таъсири остида, хизматларга бўлган прогноз талаб қийматларининг ва фуқароларнинг давлат олий таълим муассасалари учун қўшимча харажатларининг нисбатини ҳисобга олган ҳолда шаклланади.

Бугунги кунда барча таълим ташкилотларида таълим хизматининг базавий баҳоси ҳисоблаб чиқилган, бунга эса асосан ижтимоий ҳимояга қаратилган давлат сиёсатининг ижроси сифатида қаралади. Бироқ назарий жиҳатдан қуйидаги таълим хизматлари баҳолари тўпламлари ҳам мавжуд: тахмин қилинаётган базавий баҳо, талаб баҳоси, таклиф баҳоси, рақобатчилар баҳоси, ўтган йилги баҳо. Бундан ташқари, таълим хизматлари таннархини чиқаришда қуйидаги жиҳатлар алоҳида инобатга олиниши талаб этилади.

мамлакат ва минтақадаги башорат қилинаётган инфляция даражаси;

минтақада аҳоли реал даромадларининг прогноз ўсиши;

ялпи ҳудудий маҳсулотнинг соя иқтисодиётидаги улуши фоиз ҳисобида (20–50%);

моддий ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича минтақада режалаштирилган иқтисодий ўсиш;

бандлик даражаси ва ишсизлик даражаси (5 дан 15 гача%);

касбий таълимнинг даражалари (турлари) бўйича стажёрларнинг прогноз ўсиши;

аҳоли ўлими ва туғилиш даражаси ҳамда уларнинг нисбати (+, -);

аҳолининг ижтимоий сўровлари ва эксперт фикрларининг натижаларини умумлаштириш.

Назарий жиҳатдан таълим хизматлари таннархини ҳисоблашда учта асосий нарх омиллари маълум бўлса: булар истеъмол талаби, харажатлар ва рақобатчиларнинг баҳоси, у ҳолда таълим муассасаси таълим хизматлари нархини танлашга ва ҳисоблашга эга бўлади. Таълим хизматлари нарх жуда паст даражада бўлса, таълим муассасасига фойда олиш имконини бермайди ва шу билан бир қаторда жуда юқори нарх даражасига таъсир этувчи тўртта омил алоҳида эътироф этилади. Бунда мумкин бўлган энг паст нарх харажат баҳоси билан ўлчанади ва белгиланади. Рақобатчиларнинг шу каби хизматларга белгилаган нархлари нархни белгилашда бевосита лозим бўлган тахминий қийматни белгилайди. Таклиф этилаётган таълим хизматининг талабга таъсир этувчи хусусиятлари ҳақида фуқароларнинг фикри нарх товонини белгилаб беради (2-жадвал). Ушбу жадвал таҳлилий материаллар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2-жадвал

Таълим хизматлари бўйича таннархни аниқлашга таъсир этувчи омиллар мажмуаси

Кам нарх ҳеч қандай фойда маржаси йўқ	Хизмат нархи	Рақобатчи нархлар	Ўзгартириш учун қўшимча мулоҳазалар	Хизматнинг юқори нархи бўйича харидорларнинг фикри	Юқори нархга етарли талаб йўқлиги
---------------------------------------	--------------	-------------------	-------------------------------------	--	-----------------------------------

Агрегат усули ёрдамида таълим хизматларининг базавий нархини ҳисоблашга доир қуйида бир мисолни келтириб ўтамыз. Ушбу жадвал таҳлилий материаллар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

3-жадвал

Таълим ташкилоти харажатлари таркиби

№	Харажат моддалари номи	Миқдори (минг	Стандарт
---	------------------------	---------------	----------

		сўм)	
1	Жами харажатлар	4208	1
2	Иш ҳақи, жами	1796	0,427
	Шумладан: профессор-ўқитувчилар таркиби	1024	0,243
	Маъмурий бошқарув ва ўқув ёрдамчи ходимларнинг бошқа тоифалари	772	0,184
3	Иш ҳақидан ажратмалар	396	0,094
4	Солиқлар ва мажбурий тўловлар	235	0,056
5	Асосий воситаларнинг эскириши ва амортизацияси	193	0,046
6	Товар-моддий қийматликлар	352	0,084
7	Сақлаб туриш харажатлари	400	0,087
8	Умумий таълим ташкилоти харажатлари, жами	1635	0,380

Юқоридаги 3-жадвал маълумотларидан ҳам кўриниб турибдики, таълим хизматлари нархини белгилашда миллий иқтисодиётдаги барча жиҳатлар инобатга олинishi мақсадга мувофиқ саналади. Чунки, бирон-бир нархга таъсир қилувчи омил четда қолдирилса, бу бевосита таълим ташкилотининг молиявий барқарорлигига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Таълим тизимлари таннархи ҳисоблаш хусусан олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт қийматини реал бозор баҳосида аниқлаш бўйича қуйидаги хулосалар ва таклифларни келтириб чиқаради.

1. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг тўлов-контракт қийматини реал бозор баҳосида ҳисоблаш қуйидагиларни тақозо этади: жумладан, кадрлар қўнимсизлигининг олдини олади, талабалар контингентининг меъёردа бўлишини таъминлайди, таълим сифатини мустаҳкамлайди, моддий техника базасини ривожлантиради, таълим ташкилотининг рейтингни мустаҳкамлайди.

2. Ўзбекистон олий таълим тизимини модернизация қилиш концепцияси давлат стандартларини ва ўқув жараёни учун зарур шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда норматив бюджет маблағлари харажатларини кўпайтиришни назарда тутади; амалга оширилаётган таълим дастурларининг моҳиятини акс эттирувчи бюджетдан молиялаштиришнинг табақалаштирилган стандартларини ишлаб чиқиш, илмий концепциясини яратиш, молиялаштириш

стандартларининг илмий асосланган методологиясини қабул қилишни ўз ичига олади.

3. Мамлакатда мавжуд бўлган олий таълимни молиялаштириш тизими, бугунги кунда шаклланган рақобат муҳитига мос эмас. Бугунги кунда давлат олий таълим ташкилотлари, асосан, экстенсив ривожланиши унинг ресурс базасини шакллантиришга қаратилган. Молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ва ўқитишнинг тўлов-контракт қийматини реал бозор баҳосидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаш талаб этилади.

4. Бугунги кунда олий таълим тизими олдида турган муаммолардан бири, талабалар сони тез ўсишининг молиявий ресурсларни кўпайтириш имкониятидан устунлигидир. Шу сабабли бу каби ҳолатда ўқув тўловлари жорий қилинади ёки оширилади ва уларнинг умумий таълим харажатларини молиялаштиришдаги улуши ортади. Мавжуд молиявий ресурслардан фойдаланишда ОТМларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш, хусусан, ОТМларнинг бюджет маблағлари ҳисобидан ажратилган харажатлар сметасида жорий йилда фойдаланилмаган маблағларини ОТМларнинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармасига ўтказиб бериш лозим. ОТМларга молиявий активларга эга бўлиш имконияти ва уларни кўпайтириш ҳамда улардан даромад олишлари бўйича зарур шарт-шароитлар яратиб бериш бугунги кун талабларидан бири саналади. Бюджет маблағларидан фойдаланишда ҳуқуқлар ва масъулият, шунингдек, ОТМларнинг ижтимоий миссиясига кўпроқ мос келадиган мақомни қидиришда мослашувчанлик зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ 5847-сон фармони. Lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2020 йил, 25 январь.

3. Абдурахмонов Қ.Х., Жумаев Н.Х. Человеческое развитие (автор. колл.). Учебник. – Ташкент: Фан ва технология, 2012. – 376 с.

4. Абулқосимов Х.П., Алимова Г. Ўзбекистонда ижтимоий соҳа ривожланиши: эришилган натижалар ва истикбол йўналишлар: 2013 й. Электрон манба: <http://www.biznesdaily.uz/ru/birjaexpert/15405-ozbkistonda-ijtimoiy-soharivojlanishi-erishilgan-natijalar-va-stiqbol-yonalishlar>

5. Азизова И.А. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш. – Тошкент, 2010.

6. Бекмуродов А.Ш. и автор. колл. Человеческое развитие. Учебник. – Тошкент: Фан ва технология, 2012. – 376 с.

7. Вахабов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар: монография. – Тошкент: Шарқ, 2003.

8. Вахабов А.В., Имамов Э., Солиев А., Туляходжаева М., Хусанова Н., Высшее образование в Центральной Азии. Задачи модернизации. – Тошкент, 2007.

9. Домбровский Р.Л. Организация управления функционированием и развитием сложных экономико-производственных объектов: диссертации доктора экономических наук. – Львов, 1992. – 298 с.

10. Дўстмуҳаммад Х.У. Халқ таълимини самарали молиялаштиришни ташкил этиш йўллари: иқтисод фанлари номзоди диссертацияси автореферати. – Тошкент: БМА, 2012. – 24 б.

11. Ключков В. В. Экономика образования: иллюзии и факты. – Москва: Мысль, 1985. – 176 с.

12. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. –Т.: Iqtisod-moliya, 2009. – 155 б.

13. Набиев Д.Ҳ. Таълим соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш масалалари: и.ф.н. ... диссертация. – Т., 2005.

14. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – Москва: Соцэкгиз, 1962. – 332 с.

15. Струмилин С.Г. Методология оценки и повышения эффективности государственной системы высшего профессионального образования: автореферат диссертации доктор экономических наук. – СПб., 2002. – 41 с.

16. Якушева К.В. Методические рекомендации по расчету нормативов бюджетного финансирования образовательных учреждений. – Москва: Новая школа, 1995.

17. U. Burkhanov, Ruziev K. Higher Education Reforms in Uzbekistan: Expanding Vocational Education at the Expense of Higher Education? // Higher Education in Russia and Beyond, 2016. - №2(8)/Summer.

18. www.lex.uz миллий қонунчилик базаси. <https://lex.uz/docs/5841063>.